



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни оила аъзолари билан бирга Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 59-референдум участкасига ташриф буюриб, референдумда овоз берди.



Референдумда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси овозга қўйилган. Маълумки, бу жараёнга бир ярим йил мобайнида пухта тайёргарлик кўрилди. Конституциявий қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, халқнинг фикри ўрганилди. Жамоатчилик томонидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олди.

Ушбу таклифлар асосида янги таҳрирдаги Конституция моддалари сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалари 275 тадан 434 тага ошди. Яъни Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди. Бунда халқаро тажриба ҳам инобатга олинди, турли соҳалардан етук мутахассислар ва экспертлар жалб этилди.

Конституция давлатимиз барқарорлиги ва келажаги, инсон манфаатларининг ҳуқуқий асосидир. Фуқаролар буни

чуқур ҳис этиб, референдумда фаол иштирок этмоқда.

Бу сиёсий жараённи 45 та давлат ва 14 нуфузли халқаро ташкилотдан жами 383 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб бормоқда. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари кенг, очиқ-ошқора ёритмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан жорий йил 2-3 май кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида Берлин шаҳрида Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер ва Федерал Канцлер Олаф Шольц билан икки томонлама учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади, халқаро кун

тартибининг турли жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Германиянинг етакчи компаниялари билан инновацион-технологик шерикликни кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ушбу мамлакат бизнеси-

нинг етакчилари билан алоҳида учрашув ўтказилади.

Ташриф чоғида Жеймс Симон галереясида "Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар империясигача" номли кўргазманинг очилиши ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

Ўзбекистон — Германия: ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2-3 май кунлари ташриф билан Германияда бўлади

Дунёнинг ривожланган давлатларидан бири, жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва вақт синовидан ўтган ҳамкори ҳисобланади.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20-22 январь кунлари Германияга биринчи расмий ташрифи, шунингдек, Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг ўша йил 27-29 май кунлари Ўзбекистонга янада ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли туртки берди.

2021 йил 12 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев

ва Германия канцлери Ангела Меркель ўртасида онлайн саммит бўлиб ўтди. Унда олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, жорий халқаро ҳамкорлик кун тартиби, глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасидаги ўзаро алоқалар юзасидан фикр алмашилди.

Бугун икки давлат ўртасида серқирра ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, у савдо-иқтисодий,

сармовий ва технологик соҳаларни қамраб олган. Хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси, фан ва таълим, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ва сайёҳлик алмашинувини таъминлаш борасида самарали ишлар бажарилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ" УЧУН ОВОЗ БЕРДИК

РЕФЕРЕНДУМНИНГ ЖОРИЙ НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Баҳром Қўчқоров иштирокида брифинг бўлиб ўтди. Унда референдумда овоз бериш жараёнларининг бориши ҳақида маълумотлар тақдим этилди ва жорий натижалари маълум қилинди.

30 апрель куни Тошкент вақти билан соат 20:00 да Ўзбекистон Республикаси референдуми ни ўтказувчи участкаларда овоз бериш якунланди.

Маълумотларга кўра, 30 апрель соат 17:00 ҳолатига кўра овоз берганлар сони 15 миллион 802 минг 95 нафарни ташкил этди. Бу жами овоз берувчиларнинг 81,39 фоизи демакдир. Владивосток, Токио, Сеул, Кванджу, Пекин, Шанхай, Гуанджоу, Куала-Лумпур ва Сингапур шаҳарларидаги референдум участкаларида овоз бериш жараёнлари якунланди.

Тошкент вақти билан соат 17:00 да АҚШнинг Вашингтон ва Нью-Йоркдаги референдум участкаларида овоз бериш бошланди. Айрим хорижий мамлакатларда тузилган референдум

участкаларида овоз бериш жараёни давом этмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси референдуми бўйича якуний натижалар 2023 йил 1 май куни эълон қилинади.

Қайд этиш жоизки, хорижий давлатлардаги референдум участкаларида 307 минг 895 нафар фуқаро овоз берувчилар рўйхатида киритилган. Шулардан 159 минг 276 нафари муддатидан олдин овоз берган.

Референдум ўтказиш жараёнларида ҳамда овозларни санаб чиқишда халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири



ЎЗА сурати.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари парадигмаси

Ислоҳотлар ҳар қандай мамлакатда жамиятдаги муаммоларни ечишга хизмат қилади, халқ ҳаёти яхшиланишига омил бўлади, шу боис, ривожланишнинг ижобий жараёни сифатида баҳоланади.

▶ Давоми 2-бетда

Халқаро кузатувчилар: "МАМЛАКАТ РАВНАҚИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ЯРАТАДИГАН БЎЛАЖАК ЎЗГАРИШЛАР САЙЛОВЧИЛАРНИ ИЛҲОМЛАНТИРДИ"

30 апрель куни мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун бўйича мамлакат сайлов қонунчилиги меъёрларига мувофиқ ташкил қилинган эътироф этилган референдум бўлиб ўтди.

МДХ, МДХ Парламентларо Ассамблеяси, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШҲТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Туркия, Кувейт, Ҳиндистон ва бошқа қатор хорижий давлатлардан жами 258 нафар кузатувчи овоз бериш жараёнини кузатиб борди.

▶ Давоми 2-бетда

www.yuz.uz

YUZ.UZNEWS

YUZ_OFFICIAL

YUZ.UZNEWS

FORUM

TASHKENT
INTERNATIONAL
INVESTMENT
FORUM

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ОЧИЛМОҚДА

Инвестицион жозибадорлик иқтисодиёт барқарорлигига хизмат қилади

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



“Ўзбекистон дунёга очилмоқда”. Сўнгги пайтларда халқаро ҳамжамият, етакчи экспертлар томонидан кўп такрорланаётган ушбу эътироф, таъбир жоиз бўлса, иқдор замирида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, кўшни давлатлар билан алоқаларни яхшилаш, инсон капиталини ривожлантириш, камбағалликни камайитириш, аҳоли фаровонлигини ошириш каби устувор йўналишлар билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш борасидаги ислохотлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, тадбиркорлик ривожининг асосий омилларидан бири бўлган бу янгиланишлар тўғрисида пандемия билан боғлиқ мураккаб вазиятга қарамай, юртимизда иқтисодий ўсишнинг ижобий динамикаси сақлаб қолинди. Ўтган йили бу кўрсаткич 7 фоиздан ошгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиб, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича кенг қаровли ислохотлар кечмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда қулай инвестицион муҳит яратиш борасида хайратланарли ўзгаришлар рўй берди.

Жумладан, қулай фискал тизим яратилиб, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хорижий инвесторлар акцияларидан оладиган дивидендлар уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинди.

Давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилиниб, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди. Ҳозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилингани, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартиби жорий этилган тадбиркорлик ривожига кенг йўл очмоқда.

Ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими жорий қилинди. Инвестиция, санаят ва савдо вазирлигидега лойиҳа ташаббусидан то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнда инвесторларга “Ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар масалаларини тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади. Ишбилармонлар ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.



Бундай иқтисодий имкониятлар ва кафолатлар ўз натижасини берапти, албатта. Буни бир йилнинг ўзида мамлакатимизда 100 мингга яқин янги корхона ташкил этилгани, киритилган хорижий сармоя ҳажми 10 миллиард долларга етиб, 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Буларнинг барчаси хорижий инвесторлар учун яратиб берилаётган қулай иқтисодий имконият ва кафолатлар самарасидир.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон ўз олдига қўйган юксак марраларга эришишда халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани, хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар зшиги очилаётгани, шубҳасиз, чет эллик малакали мутахассислар, рақобатбардош меҳнат ресурсларини жалб қилишга замин яратмоқда.

Ислохотлар, биринчи навбатда, инсон қадрини оширишга қаратилгани, маҳаллий ва чет эллик инвесторлар тенг ҳуқуқлар асосида бизнес қилиши учун имкониятлар яратилаётгани Ўзбекистонга сармоя киритиш истагида бўлган хорижий сармоядорларга ишонч ва куч бағишламоқда.

Шу йил 27-28 апрель кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган II Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистоннинг узаро ҳамкорлик учун дунёга очилигини яна бир намоён этиб, халқаро инвестиция алмашуви учун янги уфқларни яратди, десак муболаға эмас.

Айниқса, Президентимизнинг форумнинг очилиш маросимидаги иштироки ва нутқ сўзлагани анжуманнинг нуфузини янада ошириш баробарида бутун дунё ишбилармонларида катта таассурот қолдирди. Мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилиши билан гоёт аҳамиятлидир.

Инвестиция ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, тараққийтини таъминловчи муҳим капитал ҳисобланади. Чунки иқтисодий тараққийти бевосита инвестиция оқи-

мига боғлиқ. Инвестиция эса ҳеч қачон ўз-ўзидан кириб келмайди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилдики, бу борадаги ишлар аллақачон ижобий натижа бераётганини кўриб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг иқтисодий ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш борасида эришилган муваффақиятларга тўхталар экан, бу ишлар жадал давом эттирилишини билдирди. Аниқ тақлим ва ташаббусларни илгари сурди.

Ушбу форум мазмунан иқтисодий соҳанинг барча қирраларини қамраб олди. Жумладан, иштирокчиларга Ўзбекистондаги барча инвестиция лойиҳалари тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Мамлакатимизда жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ана шу ҳақорликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йили эса 8 минг мегаваттлик қувватлар ишга туширилиши кутиляпти.

“Яши” иқтисодиёт эса санаятнинг янги йўналишларига ҳам туртки бериши табиий. Демак, бу инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида давлат-хусусий шериклик ҳақида ҳам тўхталар экан, ислохотлар натижасида олдинлари “ёпиқ” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келаётгани, масалан, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилганини қайд этди.

Бу қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга, Ўзбекистон тез ўсаётган ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт каби йўналишларда минтақавий хабга айланиб бормоқда. Бу йил давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган, улар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олгани билан эътиборга молик.

Хусусийлаштириш иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириб, мулкдорлар кўпайишига кенг йўл очди. Жорий йилда бу бўйича “1 минг + 1 минг + 40” дастури қабул қилинди. Яъни мингта корхонадаги

давлат улуши ҳамда яна мингта давлатга тегишли кўчмас мулк объекти очиқ аукцион савдога чиқарилади, 40 та стратегик корхона IPOга олиб чиқилади.

Ўзбекистон хомашё экспортидан воз кечиб, хорижга арзонга сотилаётган товарлардан қўшилган қиймат занжири яратиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш, бу орқали эса аҳолини муқим ва юқори даромадли иш билан таъминлаш йўлига ўтмоқда. Бу борада тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқларида етарли хомашё ва малакали кадрларга эгамиз. Демак, ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш мумкин. Бунинг учун йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак. Шу боис, Президентимиз бу масалага алоҳида ургу берди.

Кўшни давлатлар билан ҳамкорлик узаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга кенг турки беради. Айни шу боис, Ўзбекистон минтақа давлатлари билан алоқаларни ҳам қачонгидан ҳам самарали тарзда йўлга қўйиб, яхши кўшимчилик ва манфаатли шериклик муносабатларини тизимли олиб бормоқда. Бу борада ҳозир қўшма инвестиция фондалари ташкил қилиниб, санаят, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лекин бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдиршини инобатга олиб, санаят ва агрокооперацияларни давом эттириш зарурлигини айтдики, бу барча кўшни давлатлар иқтисодиёти учун бирдек манфаатли экани билан аҳамиятлидир.

Форум доирасида хорижий шерикларга Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик лойиҳа тақдимот қилинди. Инвестиция ва савдо битимлари имзоланди.

Шу жиҳатдан ушбу анжуман ўзбек компанияларига хорижий бизнес вакиллари билан янги алоқалар ўрнашга кўмаклашиш билан бирга, фойдалу битимларни ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, янги таъминот бозорларига чиқишга ҳам ёрдам беради, десак муболаға эмас. Айниқса, минтақа тадбиркорлари ва хорижий ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш учун муҳим платформа бўлади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Бугун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари барча ҳудудлардаги улкан бунёдкорлик ишлари асосига айланмоқда. Мазкур ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, аввало, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, уларнинг бугунги ҳаётининг розилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Биргина Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда белгиланган давлат дастурлари асосида ўтган йили 110 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, жорий йилда унинг салмоғи бир неча баробар ошиши кутилмоқда.

Жумладан, Инвестиция дастурига асосан, 19 та объектада 65 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан 8 миллиард сўм эвазига икита мактабда реконструкция ва мукаммал таъмирлаш амалга оширилди. 3 миллиард сўмга йўл қурилди, кўприк реконструкция қилинди. “Обод қишлоқ” дастури асосида 3 та маҳаллада барча манбалар ҳисобидан 32,5 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, инфратузилма объектлари билан боғлиқ, аҳоли қайфиятига

салбий таъсир қилувчи долзарб масалаларни ҳал этиш учун барча манбалар ҳисобидан 9 маҳалладаги 10 та артезиан кудуғи насослари алмаштирилди. 4 та маҳаллада 20 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортилди.

— Айни пайтда бешта маҳаллада ички йўлларни таъмирлаш, 22 та маҳаллада сув иншоотлари қуриш, битта маҳаллани электр энергияси, икита кўчани газ билан таъминлаш ишлари давом этмоқда, — дейди Шароф Рашидов тумани ҳокими ўринбосари Нодир Имомқулов. — Биргина Фозгонтепа маҳалласида сув таъминотини яхшилаш учун қўриб 900 миллион сўм ажратилди. Сув минораси қурилиб, қарий бир километр сув тармоғи тортилди. 70 га яқин хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди. Қўлган маблағлар ҳисобига эса ички йўллар, электр энергияси ва газ таъминоти яхшиланди. Етти-саккиз йил олдин туманимиз бўйича йилга 5-6 километр ички йўл асфальтланган бўлса, биргина ўтган йилнинг ўзида 121 километр ички йўл шағал, бетон ва ас-



фальт қилинди. Жорий йилда бу ишлар давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунгача 30 километр ички йўл таъмирланди. Аҳолининг бу ишлар натижасидан розилиги, хурсандлигини нафақат уларнинг шуқроналик сўзларидан, балки юз-кўздан ҳам билса бўлади.

— Маҳалламиздаги бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгаришлар одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига ижобий таъсирини қўрлатмоқда. — дейди Яккақайрағоч маҳалласи фаоли Кенжабек Мирзаев. — Бир-бирдан раво кўчалар, йўллар тўғрисида одамлар ўзи яшаб турган манзили ва кўчасини обод қилишга, турли мевали ва манзарали

кўчатлар, гуллар экишга киришди. Биз, оқсоқоллар ушбу ишларда уларга намуна бўлялмиз. Зеро, бир ишни қилинган, десангиз, унинг таъсири кам бўлади, агар ўша ишни ўзингиз бажариб, кейин бошқаларни чақирсангиз, бунинг таъсири бошқача бўлади. Ёшим 75 да. Маҳалламиз кўчалари асфальт бўлганини энди кўрдим. Уйдим-чўқур, тупроқли кўчалар нафақат одамларимизга нуқулгайлик тўғирарди, балки автоуловлар ҳам кўп таъмирталаб бўларди. Марказдан маҳалламизга такси келишга қийналарди. Маҳалламиз ахли кўпайгани сабабли трансформаторларнинг кучи етмасди. Янги трансформаторлар қўйилди.

— Тўғриси, шу ёшга кириб, маҳаллаларга берилаётган бундай эътиборни кўрганим йўқ. Кўчаларимизнинг аҳоли жуда ачинарли эди. Ўзимиз ҳам ҳаракат қилардик, лекин ҳаммаси маблагга бориб тақалгани сабабли қўлимиздан ҳеч нарса келмасди, — дейди “Яккақайрағоч” МФЙ раиси Жўрақул Ҳазратқулов. — Фуқаролар келса, нима дейишни билмасдик. Биргина ўтган йили ҳудудимиздаги 24 кўчадан 19 тасига шағал ётқизибли, асфальт қилинди. Бундан аҳоли жуда миннатдор. Қўлганлари навбат билан асфальтланади. Яқинда маҳалламизда 150 ўринли боғча очилди. Еттига тўғарақ фаолият қўрлатмоқда. Болаларимиз ёшлигидан рус ва инглиз тилларини ўрганмоқда. Маҳаллада 1008 та хонадон, 1115 та оила бор. Маҳалладаги бешлик ҳар бир хонадонга кириб, муаммоларни, шикоят ва тақлифларини ўрганапти. Бештаимиз бешта кўчага бўлинамиз. Олдин бу даражада халқ ичига кирмаганмиз. Чунки илгари кўлаб муаммоларни ҳал этиш имкони йўқ эди. Ҳозир халқнинг дардини эшитяпмиз, муаммоларини ҳал қилиб, дуоларини оляямиз. Тадбиркорлик қилиш истаги борларга кредит ажратилди, амалий ёрдам бераймиз. Кўпчилик тивувчилик, паррандачилик, қўвчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга қизиқиш билдиришмоқда. Асосий эътиборимизни эса ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган фуқароларимизнинг муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлашга қаратганимиз.

“Халқобод” маҳалла фуқаролар йигини туманинг энг чекка, аммо аҳолиси кўп маҳаллаларидан бири. Маҳалладаги ичимлик сув муаммоси ҳам ҳал этилди. Сув минораси ва 2,7 километр масофага тармоқ тортилиши тўғрисида 164 хонадонни тоза ичимлик сув билан доимий таъминлаш имконияти яратилди. Фуқаролар йигинидаги ҳоким ёрдамчисининг айтишича, ичимлик

сув масаласи ҳал этилиши яна кўплаб муаммоларга ижобий ечим бўлмоқда.

— Маҳалламизда тўртта қишлоқ бўлиб, уларга 19 километрдан ичимлик сув тармоғи тортиб келинди, — дейди “Халқобод” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Хуриш Тожибоев. — Шу билан бирга, томчилик, парлатиб суғориш аҳамиятини аҳолига тушунириб бораёلمиз. Аҳоли хонадонларидаги иссиқхоналар ва деҳқон хўжалиқларини ҳам томчилатиб суғоришга ўтказялмиз. Иссиқхона қураман, деган тадбиркорларга ҳам томчилатиб суғориш тизими билан қуриш талабини қўйиб, кредитлар ажратялмиз.

“Халқобод” МФЙ ҳудудидеги Осие қишлоғида ичимлик сув йўқ бўлиб, аҳоли узоқ масофадан сув ташшига ёки сотиб олишга мажбур эди. Энди қишлоқ учун артезиан кудуқ қазилиб, сув минораси ўрнатилди. Айни пайтда аҳолини тармоққа улаш ишлари бошланган.

— Кўчиб келганимизга беш йил бўлган бўлса-да, ичимлик сувдан жуда қийналардик, — дейди ушбу маҳаллада яшовчи Санобар Умарова. — Қарий 2 километр масофадан ташиб келардик. Бунинг қанчалик машаққат эканини айтмасам ҳам яхши биласиз. Яратганга шукр, неча йиллик орзуларимиз ушалди. Ҳозир маҳалламиз аҳолиси хурсанд. Ҳамма томорқасига турли экинлар экишга, ховлисини обод қилишга киришган. Яна бир гап, электр билан боғлиқ масаламиз ҳам ҳал бўлди.

Мухтасар айтганда, бу каби бунёдкорликлар инсон қадрини манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Зеро, барча саъй-ҳаракатлар халқимизни бугунги кундан рози қилиш, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАДҚИКОТ ВА ИМКОНИЯТ

ИЛМНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Шахло ТУРДИҚУЛОВА,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири
ўринбосари



Илм-фан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун ноёб имкониятлар очаётган бугунги кунда илмий изланиш ва тадқиқотларни молиялаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Боиси, мана шу рағбат иқтисодиётнинг ривожлантириш, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган илгор инновацияларни юзага келтиради.

Илмий изланишлар жамиятта наф келтириши учун гоё асосидаги лойиҳаларни молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мана шу жараён, яъни ёш олимлар, изланувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатни ҳар томонлама рақобатбардош давлатга айлантириш баробарида дунё ҳамжамиятида мустахкам ўрин эгаллашда муҳим омил бўлади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда айни масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда.

2006 йилдан буён амал қилган эски, самарасиз грант тизими ўрнига 2018 йилдан бошлаб илгор хорижий тажрибалар асосида рақобатга асосланган, иқтисодий тармоқлари эҳтиёжларига йўналтирилган илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси механизми жорий этилди. Бунда якуний махсуслот (технология) аниқ бўлган тематик лойиҳаларга давлат буюртмаси мунтазам равишда эълон қилинмоқда. Натijasida рақобат муҳити шаклланди, грант маблағларини доимий олиш имкони яратилди. Бир лойиҳани молиялаштириш 3,5 баробар арзон ҳамда маблагнинг камида 40 фоизини зарур асбоб-ускуналар, реагент ва материаллар сотиб олишга йўналтириш асосида ҳар бир илмий лойиҳа доирасида нуфузли илмий мактаблар (янги илмий йўналишлар) ва замонавий илмий асбоб-ускуналар паркни яратиш чоралари кўрилди.

Янги механизм жорий этилгандан сўнгги 4 йилда танловлар доирасида 3 минг 500 дан ортиқ лойиҳа талабномаси кўриб чиқилиб, 893 таси молиялаштирилди. Шунингдек, илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш учун вазирлик ҳузурида 22 та фан йўналиши бўйича жамоатчилик асосида фаолият юртакдаги 500 дан ортиқ малакали олим ва мутахассисдан иборат янги илмий-техник кенашлар ташкил қилинди. Натijasida лойиҳаларни баҳолашда илмий жамоатчиликнинг кенг қамровли иштироки таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, энг самарадор, натижаси узоқ вақт хизмат қиладиган лойиҳаларни танлаб олиш имконини бермоқда.

Қобилият, олинган билим, кўникма ва тажриба ҳар бир ёшнинг шахсий мулкидир. Ундан ўринли фойдаланиш, мана шу хазинани янада бойитиш учун унга инвестиция йўналтириш муҳим. Бу нафақат мамлакатни ривожлантиришнинг

махсус стратегияси, балки инсон капитали ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истикболларини яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсат ҳамдир.

Билим, инновация ва ғояларнинг оммалашуви аҳоли турмуш сифати яхшиланишига хизмат қилади. Бугун мана шу жараён ҳар қачонгидан ҳам жадаллашди. Илмга асосланган янги технологияларнинг аҳамияти ошди. Боиси, “Менда гоё бор, уни махсуслотга айлантиришим керак”, “Мен импорт ўрнига қопланаётган эҳтиёжни маҳаллий махсуслотлар орқали қоплаш усуллари билан”, деган олим ва изланувчиларнинг илмий фаолияти рағбатлантирилиб, лойиҳалари давлат томонидан молиялаштирилмоқда.

2021-2022 йилларда 197 та лойиҳа натижасига кўра, 13 та янги нав, маҳаллий хомашё, саноат чиқиндилари ҳамда махсуслотларни қайта ишлашга асосланган 35 та технология ва махсуслот яратилди. Хусусан, гўзанинг вилгта чидамли зирҳланган янги ген-нокаут линиялари яратилди. Заминимизда қадим замонлардан бошлаб етиштириб келинаётган “оқ дум” ва оммалашган “қизил дум” узум навлари замонавий in-vitro усулида қайта тикланиб, оналик кўчатзорлари ташкил қилинди, маҳаллий узумнинг 150 та нави учун ДНКга асосланган генетик паспортлар яратилди.

Саноат йўналишида мис таркибли рудалардан қимматбахў металлари ажратиб олиш учун маҳаллий хомашёдан импорт муқобилига нисбатан 2 баробар арзон янги маҳаллий кимёвий реагент — флотореагент иштиро қилинди. Бундай ёндашувлар импорт ўринини босувчи маҳаллий махсуслотлар тури кўпайишига туртки бўлди.

2023 йил баҳорги тижоратлаштириш форуми доирасида тармоқ ва истеъмолчи ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, янги ишланмаларга буюртмалар бериш, соҳага инновацияларни жорий қилиш мақсадида қиймати 41,49 миллиард сўмлик 20 та лойиҳа молиялаштирилди.

Илм-фан ва инновацияларга қаратилаётган эътибор самарасини яна бир жиҳатда кўриш мумкин — лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, натижага эришиш жараёнида илгарилаш кузатилади. Авваллари бир ғоянинг фойда-зарари

ҳисобга олиниб, махсуслот кўринишида савдо пештахталарига чиқиши учун 10 йил керак бўлган бўлса, ҳозир бу ишлар учун узоғи бир йил кифоя қилипти.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 6 июль кuni “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон ҳамда ушбу ҳужжатда белгилаган вазифалар ижросини таъминлаш, бу учун зарур ҳуқуқий, моддий базани яратишга қаратилган “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолаганди. Булардан қўзланган мақсад мамлакатимизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги ва инновацион жиҳатдан тараққий этишини белгилловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантиришдан иборат.

Инсон капитали назариясида бир қараш мавжуд: таълим учун йўналтирилган сармоя оширилса, меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Уз ўрнида сармоядан фойдаланувчиларнинг даромади ортиб, аҳолининг камбағаллик даражаси пасаяди. Таълим тизими учун ажратилаётган маблағ 1 фоз ортиши камбағаллики 0,03 фоз қисқартириши тадқиқотлар натижасида исботланган.

Бир вақтлар илмий изланишлар натижаси шунчаки китоб, дафтарларни “семиртирган”. Бугун эса истаган изланувчи содда тарзда ўз ғояси лойиҳасини тақдим қилиши, янги турдаги рақобатбардош махсуслотлар яратиши мумкин. Бу борадаги имкониятлар сўнгги йилларда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгисиз остидаги махсуслотлар тури ортишида муҳим омил бўлди.

Ҳар бир олий таълим муассасасида ёшлар технопарклари очилди ҳам асосий вазифалар сифатида қаралиб, уларнинг бир компоненти булган бизнес акселераторлар, инкубаторлар, коворкинг ва форсайт марказлар — “ақл марказлари” фаолияти йўлга қўйилди. Бу талабалар, ўқитувчи-профессорлар учун айни мундоа бўлди. Бирор муаммонинг муҳокама қилиниб, ечим топилиши ҳамда унга доир махсуслот ихтиро этилиши учун шароит яратиш асосий мақсад эди ва бунга эришилди. Агар ўқув дароҳи



йўналишидан келиб чиқиб, янги йирик лойиҳалар амалиётга татбиқ этилса, соҳа ривожига қаратилган катта одим бўлади. Илмий лойиҳаларни молиялаштириш мана шу йўлда шахдам қадамлар ташланишига туртки бўлди.

Президентимиз 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади 4 минг доллардан ошириб, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришди саналади. Шунингдек, унинг эътибори эса ўзига яраша талаблари бор. Шуларнинг энг муҳими соҳа ва тармоқда илм-фан ва инновацияларга асосланган ишловларни амалга ошириш саналади. Шу жиҳатларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани боис, олимларнинг мавқеи оширилди, улар моддий қўллаб-қувватланиб, зарур шарт-шароитлар яратилди.

қиладиган иш ўринлари яратишни тақозо этади. Мазкур масалалар мамлакат инновацион экотизимини шакллантиришнинг устувор эканини кўрсатади.

Бизда илм-фанга ягона давлат буюртмаси шакллантирилади, муайян мавзулар эълон қилинади. Масалан, ҳашаротларга қарши курашишнинг биологик усуллари яратишни олайлик. Биз, асосан, кимёвий усуллар ҳақида биламиз. Бу ерда илм керак. Чет элда ишлаб чиқарилган препаратларни қўллаб қўлламайди, чунки бизнинг ўз микрофлорамиз, касаллик ва зараркундаларимиз бор. Шунинг учун буюртма шакллантирилади, унда қўллаётган аниқ натижалар, лойиҳа суммаси ёзилади ва танлов эълон қилинади. Бу тендерга ўхшайди. Битта мавзу бўйича тендерда 5-6 тагача лойиҳа иштирок этади. Яъни рақобат бор. Авваллари олимларнинг ўзи тегишли мавзунини ўйлаб топар, долзарблигини тасвирлаб бериб, лойиҳа тақдим этади. Охириқиб ким бундан мафзадор бўлиши аниқ эмасди.

Энг муҳими, лойиҳа яқунлангач, тижоратлаштириш босқичига ўтлади. Вазирлик ҳузурида Тижоратлаштириш бошқармаси, Миллий офис бор. Демак, тармоқ буюртмаси тижоратлаштирилиши илмий тадқиқотлар жағвонда қўлмаслигига замин яратди. Стартап экотизимини шакллантириш, молиялаштириш Ўзбекистонда айнан Инновацион ривожланиш вазирилиги ташкил этилганидан сўнг пайдо бўлган йўналишдир. 6 йил олдин бизда стартаплар йўқ эди.

Ўзим ҳам илмий муҳитда катта бўлганман. Афсуски, илмий тадқиқотларни амалга ошириш пайтида хорижга чиқишни орзу ҳам қилмасдик. Бугунги ёш олимлар бир неча ой давомида малака оширмоқда, бу олим учун етарли вақт. Бунда асосий талаб стажировка якунига бирор аниқ натижага эришиш. Масалан, хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликда илмий мақола чикариш бўлиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларнинг илм-фан ва иқтисодий жиҳатдан ўсишини таҳлил қиладиган бўлса, юқори марра-ларга эришиш учун салмоқли моддий, молиявий, меҳнат ресурслари ва иқтисодий-сиёсий омиллар зарур. Иқтисодий ислохотлар ва иқтисодий сиёсат бўйича мамлакатимизда кечаётган жараёнларни кўзатиш имкони, юртимизда юқориданги омилларнинг барчаси мавжуд эканига гувоҳ бўламиз. Демак, юқори натижага эришиш учун катта имконият бор.

Миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш шариоитида ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ва оқилона нисбатларда ривожланишини таъминлаш, бозор талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш даражаси инновацион иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини ўзгартириш ҳамда уни такомиллаштиришга боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, янги ёндашувларни қўллаб-қувватлаб, уларни амалга ошириш учун қўлай шароит яратишни талаб қилади. Мана шу талаб самарали ислохотлар натижасида қопланмоқда. Биз эса ундан оқилона фойдаланишимиз зарур.

БУГУННИНГ ГАПИ

МУАЛЛИМНИНГ ҚАДДИ ВА ҚАДРИ ТИКЛАНДИ

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

У оддий ўқитувчи. Чекка қишлоқда инглиз тилидан дарс беради. Ҳар кuni ўқувчиларига зие ўлаштириш интилади. Бир пайтлар пахта даласида қадоқ бўлган қўллари бугун замонавий ўқув қуролларини бошқаряпти. Касбига ҳаваси ортган. Боиси, бугун ҳалол меҳнати ортидан олаётган маоши минг долларга етиб қолди.

Хусния Қодирова олийгоҳни тамомлаб, катта орзулар билан Касби тумани Ҳўжайрон қишлоғидаги 12-мактабга ўқитувчи бўлиб келганида шижоати ўзгача эди. Орадан кўп вақт ўтмай, ғайратидан асар ҳам қолмади. Мактабда ўқитувчи эмас, балки қишлоқ ҳўжалигининг оддий ходими эканини англади. Кўп қатори дала ишларидан ортмай қолди. Шундай дамларда бир олам режалари қоғозда қолиб кетаётганидан ачинарди. Олийгоҳда олган билими пахта даласида бой берилаётганидан кўнгли ғаш бўларди. Энг ёмони, маош камлигиндан рўзгорга етказиб бўлмасди. Турмуш ўртоғи ҳам шу мактабда ўқитувчи эди. Аммо ойлик камлиги учун кўп ишлолмади.

— Гоҳида кўча тозалаш ишларига ҳам жалб этилган пайтларимиз бўлди, — дейди Хусния. — Инглиз тилидан дарс бераман. Танишларимиз кўриб қолмасин, деб юзимизни яшириб ўтирардик. Лекин сабр таги сарик олтин, деган нақл беҳиз эмас экан. Шўқри, ўқитувчининг қадди ва қадри тикланди. Кенг эйтиб қаратилиб, қатор имтиёзлар берилди. Бундан унумли фойдаланиш мақсадида астойдил ҳаракат қилди. Натijasida бугун мактабга зарирли иш ҳақи оляпман. Оддий ўқитувчи бўлсам-да, ҳозир олаётган ойлигим, рости, минг долларга етди. Синфхоналар янги технологиялар билан жиҳозланиб, замонавий тарзда дарс ўтишга мослаштирилди.

Жорий йил февраль ойида Президентимиз Қашқадарёга таширфини мактабдан бошлади. Хусусан, Қарши тумани Янги Батож маҳалласида қад рустлаган 72-мактаб фаолияти ҳамда у ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Шу мактабнинг ўзида виллоятда фаолият юритаётган ўқитувчилар фикрига қўлоқ тутиб, дилдан мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбарининг сафар жадалли тигиз бўлса-да, биз, ўқитувчиларга ажойиб мотивация бериб, ҳар бир муаллим билан алоҳида суҳбатлашиб, тақлифларга қўлоқ тутди.

Менга ҳам Президентимиз билан учрашиб, суҳбатидан баҳраманд бўлиш нисиб этди. У киши учрашув бошида бундай деди: “Ташриф аввалида менга Миришқорда фермер даласига боришимни тақлиф қилишди. Мен ўқитувчилар билан суҳбатлашаман, деб сизларнинг олдингизга келдим. Биласизларми нимага? Дала қачон ўзгарари? Ақли фермер бўлса, ақли ветеринар бўлса, ақли боғбон бўлса, ақли мироб бўлса. Бунинг учун бўлиш керак. Бунинг учун ўқитувчиларга имконият яратиш керак.”



Шундай шароит яратяпмизми, ўқувчилар мактабдан чет тилларни ва хунарни ўрганиб чиқади. 11-синф ҳаёт йўли синфи бўлади. Агар ҳар бир ёш жамиятда ўз ўрнини топса, Ўзбекистонимизда мустахкам замин бўлади.

Муаллим билан Президент орасида кўприк — муҳаббат ва ишонч бўлиши керак. Муҳаббат дегани катта маънода — Президент муаллимига, муаллим Президентга ишониши керак.”

Бу сўзлар мен каби ўқитувчилар қалбини тўлқинлантириб юборди. Қаранг, давлат раҳбари бизга қанчалик меҳр билан ишонч билдирапти. Шу кунлар ҳам бор экан-ку, деб кўзимизга қувонч

ёшлари келди. Учрашувда менга ҳам сўз навбати келганда, Президентимизга раҳмат айтиб, “Ўқитувчиларнинг ойлигини минг доллар қиламан, деганингизда, рости, мен ҳам кўпчилик қатори ишонмаганим. Бугун эса ўзим оддий ўқитувчи бўлсам-да, минг доллар маош оляпман”, дедим. Давлатимиз раҳбари манаун бўлиб, қишлоқдаги муаллимнинг доллар ойлик олаётганини, қолганлар эса бундан ҳасад эмас, ҳавас қилиб олдинга интилиши кераклигини таъкидлади.

Албатта, бугун Хусния Қодировага ҳавас қилиб, айнан ўзи ишлаётган жамоадаги касбдошлари унинг ортидан

эргашмоқда. Жумладан, мактабнинг рус тили фани ўқитувчилари Уктамжон Примкулов, Маптула Эркаева, Маҳлиё Умарова, информатика фани ўқитувчиси БекзоД Бобожов, Нортжой Эргашев, математика фани муаллими Барлос Панжиев турли халқаро танловларда иштирок этиб, сертификатларга эга бўлди. Натijasida улар бугун маошларига қўшимча тарзда эзлик фозиз устама олмақда.

Хусния Қодированинг ташаббускорлиги нафақат ўқитувчиларга, балки ўқувчиларга ҳам каттагина наф келтираётгани эътифот этилмоқда. Хусусан, ўтган 2022 йилда Президентининг учун ўтказилган “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг туман босқичида шогирдлари фахрли ўринларни эгаллаб, 100 миллион сўмлик совринини қўлга киритди.

— Қўлингиз мендан олаётган маошим ҳақида сўраб, жавобимдан ҳайрон қолишадилар, — дейди муаллима. — Бугун ҳаракат қилган, интирилган, ўзи устуда меҳнат қилган ҳар бир ўқитувчи шунча ойлик олиши мумкин. Фақатгина интилиш лозим.

Қашқадарё виллояти мактабга ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мақсуд Панжиевининг айтишича, шу вақтга қадар айнан минг доллар қийматида маош олаётган ўқитувчилар сони 36 нафар бўлган, жорий йилда эса улар сағига яна 108 муаллим қўшилибди. Демак, иқтидорли мураббийлар сағи кундан-кун ортиб бормоқда. Бу табиғий, ўқувчиларнинг билими ошди дегани, билимми, зўкко ешлар эса Уччинчи Ренессанс яратувчиларидир.



МУНОСАБАТ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ

маънавий-маърифий дунёқарашни тақвиятлантириш асоси



Сарваржон ҒАФУРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори, профессор

зиёлилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлишида давом этади.

Таълим-тарбия барқарор тараққиёт йўлини танлаган давлатнинг пойдевори мустаҳкамлигини таъминлайдиган омиллардан. Ана шу пойдеворни асрлар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, улуғ аждодларимизнинг ўғитлари, бебаҳо илмий меросини янада чуқур ўрганиш, ўргатиш, теран ақлаштириш билан мустаҳкамлашимиз керак. Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан буюк алломалар ва мутафаккирлар маънавият ва маърифатга шундай улкан ҳисса қўшганки, асрлар ўтса-да, уларнинг бебаҳо илмий мероси халқларимиз маънавий дунёсини бойитишда, ёш авлоднинг тарбиялашда дастуриламал бўлиб хизмат қилишга қодир.

Ўзбекистон бугунги кунда тез ривожланаётган давлат сифатида жаҳон ҳамjamiнати эътирофига сазовор бўлмоқда. Минтақада иқтисодий соҳалардаги ютуқлар, бунёдкорлик йўналишидаги амалий натижалар, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, санъат, маданият, таълим, туризм, спорт жаҳазларидаги самарали ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Халқнинг фаровонлиги, юртимизда жамият тараққиётининг барқарорлиги таъминланмоқда.

2022 йил ҳолатига кўра, жаҳондаги хавфсиз давлатлар рейтингига киритилган 163 давлат орасида Афғонистон охири ўринда, Россия 160-ўринини, Украина эса 153-ўринини эгаллаган. Улар энг хавфли давлатлар гуруҳига киритилган. Туркменистон 104, Қозғистон 97, Тожикистон 92, Қирғизистон 91, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг хавфсиз давлат сифатида 86-ўринини эгаллади. Рейтингда кўра, Ўзбекистон Исроил, АҚШ ва Туркия каби давлатларга нисбатан хавфсизроқ бўлиб чиқди.

Ёшлар билан ишлаш сиёсати жамиятимиз олдидagi энг масъулиятли вазифа саналади. Жумладан, Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш бўйича салмоқли таъриб таъинланган. Социологик сўров натижалари асосида тайёрланган ҳисоботда айтилишича, 15-20 йилдан сўнг Ўзбекистон ноёб демографик дивидендини кўлга киритади. Тахсилларга кўра, 2048 йилга бориб, мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тарихий юқори даражага етиши кутилмоқда. Табиғики, уларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил қилади. Ҳозир давлат олдидagi асосий вазифа демографик дивидендини қўлдан бой бермаслик ҳамда ундан максимал фойдаланишдан иборат. Юртимиз учун ёшларга оид давлат сиёсатини аниқ рақамлар ва илмий хулосалар асосида юритиш энг мақбул йўлдор.

“Ўзбекистон ҳукумати жуда катта эътиборини ўқимчи таълимга қаратади, бу — касбий таълим. Касбий таълим иқтисодий келажак ва халқ учун муҳим, лекин аҳолининг нисбатан кичик қисми ўқимчи таълимга



Жалб қилинган инновациялар асосида, бу Ўзбекистонга салбий таъсир қилганди. Лекин сўнги йилларда жалб қилинувчилар сони ўсиб борди. Ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган таълим йўналишлари жуда кўп. Шунингдек, мактабгача таълим, яъни ёш болалар учун ҳам таълим ривожланмоқда”, дейди Жаҳон банки мутахассиси В.Зейтс.



Замонавий чақириқлар ва иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар даврида ёш авлод талаб ва эҳтиёжларини таҳлил қилиниши, бу борадаги халқаро таж

рибани халқимиз қадриятларига мос янгича механизм ва ёндашувлар асосида амалиётга таъбиқ этиш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси бугунги кунда 25 фоизга тенг. Қабул параметрлари 2016 йилдагига нисбатан 2,5 баробар ўсган. Иқтисодчи Рауф Солихжоевнинг сўзларига қараганда, “Юртимизда кўпги

кўра эса, олий таълим муассасалари сони 170 тага, хорижий олий ўқув юртлирари филиаллари 33 тага, хусусий олий ўқув юртлирари 28 тага етди. Уларда таълим олаётган талабалар 808,4 миң нафарини ташкил этмоқда. Бугунги кунда олий ўқув юртлирари бир йилда 111 миңдан ортиқ талаба ўқишга қабул қилинган бўлса, 2023-2024 ўқув йилидан 200 миңдан ортиқ рақамда қабул қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларни турли касбий соҳаларга йўналтириш ҳам давлат сиёсати даражасига чиққан. Ёшларни иш билан таъминлаш, бирор касб бўйича малакасизлини ошириш мақсадида “Ишга марҳамат” мономарказлари фаолият йўлга қўйилдики, уларда миңлаб ёшлар ўқиб, муайян иш жойи билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, инновацион дастурлар, ИТ соҳа, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Муваффақиятли амалга ошириб келинаётган “Миллион дастурчи” лойиҳаси ана шулардан бири.

Ўзбекистонда инсон капиталига, хусусан, ёшларнинг сифатли таълим олишидан тортиб, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қадар катта ҳажмда инвестиция киритиш зарур. Бу келажакда нафақат иқтисодийнинг юксалтириш, балки ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш — камбағаллик ва салохиятли кадрлар миграциясини қисқартириш, ишсизликни бартараф этиш, халқ турмуш даражасини ошириш имконини бериб, жамиятимизнинг барқарор тараққиёт пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Инсон капиталини ривожлантириш бир кўнлик иш эмас. Мазкур миссия комплекс ёндашув ва узок муддатли принциплар чора-тадбирларни изчил амалга оширишни талаб қилади. Бу борада тайёр тезкор ечимлар ҳалғича йўқ. Шу боис, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳаларда замон талаблари даражасида фаолият курсатишга қодир малакали кадрлар, соҳа мутахассисларини кенгроқ жалб қилиш, профессорлар билдириб, дунёқарагини кенгайтирадиган оилалардан етишиб чиқариш. Баъзи респондентлар яхши инсонни тарбиялашда ўқитувчининг ҳам роли муҳимлигини қайд этган.

Бизда ёш авлодга етказишимиз мумкин бўлган улкан маънавий-маърифий

ҳазина мавжуд, бу — буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий мероси. Ана шу бекиёс меросни, халқимизнинг азалий қадриятлари, ислом тафаккури билан зийнатланган маънавиятини чуқур ўрганиш, ўргатиш орқали маърифатли жамият қуриш бугунги кун маънавият, маданият, таълим-тарбия соҳаларининг устувор вазифасига айланиб улгурганини чуқур ақлашимиз лозим.

Яна бир муҳим қадрият халқимизнинг соф ислом дини мафқураси билан боғлиқ мустаҳкам эътиқодидир. Миллий маънавиятимиз инсоннинг баркамол шахс бўлиб етишишга тарғиб қилувчи ғоялар, буюк ахлоқ, адолат, ҳалоллик, инсонпарварлик, тинчлик-севарлик, халқпарварлик каби кўпгаб хислатларни ўзида жамлагани билан таълим-тарбияни ўз вақтида, таъсирчан шаклда берилишида муҳим ўрин тутаяди.

Замон тез ўзгармоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларини кўлга киритган ёш авлод жаҳон халқлари мафқуралари, қадриятларимизга ёт бўлган ғоялар, оммавий маданият иллатлари, замонавий маънавият “трендлар” таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг онгини, дунёқарагини, энг аввало, миллий маънавий-маърифий билимлар билан тўлдиримиз муҳим.

Минтақавий ва глобал таҳдидлар ҳамон сақланиб қолаётган бугунги таҳликали вазиятда уларнинг гоявий-мафқуравий таъсирини тўсиб қолувчи моддий чегараларни қуриш имконсиз. Бу иллатга қарши фақатгина маънавият, маърифат ва замонавий таълим тизимини такомиллаштириш билан самарали курашиш мумкин. Халқимиз, хусусан, ёшларимиз онгини, дунёқарагини диний фундаментализм, радикализм, экстремизм ва терроризм каби ёт иллатлардан сақлашда, соғлом маънавий дунёқарагини бойитишда, мафқуравий иммунитетини шакллантиришда таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳани янада кучайтириш аҳамиятлидир.

“Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашува, ёшларимиз онгини бизгунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эзлашгага ўйл қўймаймиз”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Олий Маҷлиси ва халқимизга Мурожаатномасида. Миллатини, буюк ўғимсини, эътиқодини, қадриятларини ҳурмат қиладиган ёшларгина вақти келганда халқини, Ватанини, давлатини ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Буни амалга ошириш шарафли, шу билан бирга, жуда муҳим ва мураккаб вазифадир.

Замонавий дунё тараққиётда жаҳон ақлининг жамият ривожига қаршларини, ёндашуви мутлақ янгича муносабатда намоён бўлмоқда. Бугунги кунда маънавий соҳа шундай кудратга айландики, иқтисодий тараққиёт топан йирк жамиятлар ҳам тез фурсатда инқирозга учраши мумкинлигини тарихий ва замонавий сиёсий-ижтимоий жараёнлар кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг “Энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва оқилликимизнинг қадриятли кадрили ва оқилликимизнинг қадриятли кадрили” деган қаҳриғида нечоғлиқ теран маъно муҷассам. Бу ўринда гап мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, оқиллик, халқлар дўстлиги, миллатлараро бирдамлик, бағрикенглик ҳақида кетмоқда. Мана шу тинчлик даврининг қадрига етиш, асраб-авайлаш, келажак авлодга обод ва тараққиёт этган барқарор турмуш тарзига эга жамиятини қолдиришимиз кераклиги ҳақида сўзламоқда Президент.

Ўзбекистонда инсон қадри, ёшлар таълим-тарбияси, маънавий-маърифий қамолоти давлат сиёсатининг марказий ва устувор йўналиши бўлиб қолишда давом этади. Давлатнинг мустаҳкамлиги, хавфсиз ва барқарор тараққиётли бевосита жамият фаровонлиги, халқ розилиги, маънавий баркамоллиги билан боғлиқ.

Президентимизнинг 2023 йил 11 апрелда давлат бошқарув органлари ҳамда маънавий-маърифий соҳа мутаассадилари билан ўтказган мажлисида ҳам айни соҳа — ёшлар таълим-тарбияси, маънавий-маърифий баркамоллигини таъминлаш борасидаги ишлар изчиллигига эришиш, масъул ташкилотлар вазифаларини белгилашга эътибор қаратилди. Йиғилишда глобаллашув шароитида ёшлар тарбияси ва онга таҳдидлар тобора кучайиб бораётгани қайд этилди. Халқимиз, хусусан, ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарагини шакллантиришда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни тарғиб қилишнинг юксак аҳамияти таъкидланди. Ёшларни мафқуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларга соғлом фикр ва мотивация беришга қаратилган контентларни кўпайтириш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ихтисослашган алоҳида дастур ўқитувчилар ташкил этиш, хориждаги ёшларимизга кўмак бериш бўйича дастур ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Халқимизнинг маънавий дунёқарагини шакллантириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлатнинг устувор сиёсати, даврининг долзарб талаби бўлиб қолмоқда. Етишиб келаётган ёш авлоднинг тарбиялаш, уларга ватан, оила, тинчлик, оқиллик, шунингдек буюк неъмат эканини ақлаштириш, ушбу неъматларни қадрлаш, ҳимоялаш тўғйуларини синдириш бугунги кунда жамиятимиз олдига турган улкан вазифалардан. Бу ўринда маънавий-маърифий соҳа, таълим-тарбия жараёнларини ислоҳ қилиш, аввало, ислохотларни ўзимиздан бошлашимиз зарурлиги таъкидланмоқда. Шундай экан, жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, таълим, маърифат, маданият соҳаларини ривожлантириш, илмий-ижодий таҳкилотлар,

